

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2021 —

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Муассис:** Фарғона давлат университети.  
«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

---

#### Таҳририят ҳайъати

**Бош муҳаррир**  
**Масъул муҳаррир**

МАКСУДОВ Р.Х.  
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҒОНОВ Ш. (Ўзбекистон)  
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)  
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)  
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)  
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)  
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)  
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)  
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)  
БАХОДИРХОҒОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)  
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)  
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)  
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)  
ТОЖИБОВ К. (Ўзбекистон)

---

#### Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)  
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)  
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)  
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)  
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)  
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)  
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)  
ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)  
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)  
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)  
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)  
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)  
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)  
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)  
СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)  
МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)  
ИСКАҒДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)  
МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)  
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)  
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)  
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)  
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)  
ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)  
АДҒАМОВ М. (Ўзбекистон)  
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)  
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)  
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)  
УСМОҒОНОВ Б. (Ўзбекистон)  
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)  
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)  
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)  
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

---

**Муҳаррир:** Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.

**Мусахҳиҳлар:** Шералиева Ж.  
Мамаджонова М.

#### Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-80  
Сайт: www.fdu.uz

---

Босишга рухсат этилди: 02.07.2021

Қоғоз бичими: 60×84 1/8

Босма табағи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма № 49

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

---

Фарғона,  
2021.

|   |                        |
|---|------------------------|
| <b>М.Ражабова</b>   |                        |
| Навоий ижодида қушлар ва ҳайвонлар образининг халқона асосларда ифодаланиши.....                            | 74                     |
| <b>Н.Шарафиддинова</b>  |                        |
| Поэтик синтаксис тушунчасининг белгиланиши ва предмети .....  | 79                     |
|   | ТИЛШУНОСЛИК            |
| <b>М.Абдупаттоев</b>  |                        |
| Полисиндетон – полифункционал синтактик фигура .....  | 87                     |
| <b>М.Турдибеков</b>   |                        |
| Конибодом тумани макро ва микро топонимлари .....   | 92                     |
| <b>М.Усманова</b>   |                        |
| “Кўҳна дунё” асарида қўлланган арабий ва форсий изофанинг лингвистик хусусиятлари .....                     | 96                     |
| <b>М.Иброхимова, Т.Алимов</b>   |                        |
| Лингвокреатив медиамайдонда тилнинг экологик софлигини сақлаш.....  | 99                     |
| <b>М.Мадаминова</b>   |                        |
| Мурожаат шаклларининг прагматик хосланиши.....  | 104                    |
| <b>С.Ҳабибуллаева</b>   |                        |
| Исажон Султон ҳикояларида маънодош ҳамда зид маъноли сўзларнинг лексик-семантик хусусияти.....              | 111                    |
| <b>А.Уралов</b>   |                        |
| Асимметрик дуализм ва функционал транспозиция .....   | 115                    |
|   | ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ |
| <b>Р.Сафарова</b>   |                        |
| Ўқувчиларда маданий дунёқарашни шакллантириш параметрлари.....  | 120                    |
| <b>Э.Мирзажонова</b>  |                        |
| Шахснинг когнитив ривожланишининг эрта ташхиси ва ўзаро боғлиқлиги таълим самарадорлиги омили сифатида..... | 124                    |
| <b>М.Туйчиева</b>   |                        |
| Ўқув фани материалларини ўқишлилик даражасини оширадиган таълим методлари .....                             | 129                    |
|   | ИЛМИЙ АХБОРОТ          |
| <b>М.Рахимов, Х.Муйдинов, А.Комилжонов</b>  |                        |
| Четдан келтирилган қорамол ғунажинларини парваришланишнинг жадал технологияси .....                         | 134                    |
| <b>Р.Пирназаров</b>   |                        |
| Қурбонқўл қулама тўғонининг филтрацион кўрсаткичларини ҳисоблаш.....  | 137                    |
| <b>Б.Холматова</b>  |                        |
| Учинчи ренессанс даврида маънавий ишлаб чиқаришни юксалтириш эҳтиёжи.....                                   | 140                    |
| <b>Н.Собиров, С.Исроилова</b>   |                        |
| Хўжанддаги биринчи дунё урушининг Австрия-Венгрия кучларининг излари .....                                  | 144                    |
| <b>М.Болтабоев</b>  |                        |
| Совет ҳокимияти ўрнатилган йилларда вақф мулкларининг аҳволи .....  | 147                    |
| <b>Д.Абдуллаев</b>  |                        |
| Музей жамланмасида давлат мукофотларининг ўрни ва аҳамияти.....   | 150                    |
| <b>Н.Исраилов</b>   |                        |
| “Шарқ кутубхонаси” асарида Амир Темур томонидан Хуросоннинг забт этилиши масаласини ўрганилиши.....         | 154                    |
| <b>А.Мусаев</b>   |                        |
| XVII аср бошларида Фарғона водийсидаги сиёсий кураш .....   | 159                    |
| <b>С.Ҳамрақулов</b>   |                        |
| “Фарғона” газетасида хорижий мамлакатлардаги воқеаларнинг ёритилиши .....                                   | 163                    |

УДК: 415.6+415.411.12+412

ПОЭТИК СИНТАКСИС ТУШУНЧАСИНИНГ БЕЛГИЛАНИШИ ВА ПРЕДМЕТИ  
ОБОЗНАЧЕНИЕ ПОНЯТИЯ И ПРЕДМЕТ ПОЭТИЧЕСКОГО СИНТАКСИСА  
DENOTING THE NOTION AND THE SUBJECT OF THE POETIC SYNTAX

Шарафиддинова Нодира Хурсандовна<sup>1</sup>

Шарафиддинова Нодира Хурсандовна

– Фарғона давлат университети ҳузуридаги  
академик лицей ўқитувчиси.**Аннотация**

Мақолада норматив синтаксиснинг зидди сифатида поэтик синтаксиснинг предмети конкрет мисоллар билан кўрсатиб берилди. Инверсиянинг содда ва мураккаб шакллари ритм билан боғлиқ ҳолда тавсифланади, унинг аруз ва бармоқ вазнларидаги имкониятлари очиб берилди. Гап бўлаклари инверсияси қаторида аффиксал морфемалар инверсияси ҳақида фикрлар баён қилинади. Ёрдамчи сўзларнинг ритмо-синтактик қурилишидаги ўрни баён этилади.

**Аннотация**

Статья иллюстрирует предмет поэтического синтаксиса на конкретных примерах как противоречие нормативному синтаксису. Простые и сложные формы инверсии описаны применительно к ритму, раскрывая его возможности в арузе и системе бармак. Наряду с инверсией частей речи высказываются идеи об инверсии аффиксальных морфем. Описывается роль вспомогательных слов в ритмико-синтаксическом построении.

**Annotation**

The article illustrates the subject of poetic syntax as a contrast to normative syntax through concrete examples. Simple and complex forms of inversion are described in relation to rhythm, revealing its possibilities in aruz and system of barmak. Along with the inversion of parts of speech, ideas about the inversion of affix morphemes are stated. The role of auxiliary words in rhythmic-syntactic construction is described.

**Таянч сўз ва иборалар:** поэтик синтаксис, олий синтаксис, инверсия, градация, анадиплосис, акромонотиграмма, аналитик полисиндет.

**Ключевые слова и выражения:** поэтический синтаксис, высший синтаксис, инверсия, градация, анадиплез, акромонотиграмма, аналитический полисиндет.

**Key words and expressions:** poetic syntax, higher syntax, inversion, gradation, anadiplosis, acromonogram, analytical polysyndet.

Маълумки, синтаксис грамматиканинг бир бўлими бўлиб, нутқ қурилиши, унинг норматив қонуниятлари ҳақидаги таълимотдир. Поэтик синтаксисга эса қарашлар турличадир. Стилистиканинг объекти сифатида Белинский поэтик синтаксис, образли – кўчим маъносида (троп) қўлланадиган сўз ва ибораларнинг элементларини кўрсатиб ўтади, деб ёзади А.И.Ефимов ва Белинскийдан “бу олий синтаксис 1) гап ва иборалар, 2) троплар ва 3) услубнинг ифодага нисбатан софлик, равшанлик, аниқлик, соддалик ва бошқа умумий бўлган сифатлари ҳақидаги бобларни ўз ичига олиши керак” деган кўчирмани келтиради [12,24].

Профессор А.И.Ефимов “Олий синтаксис” ни поэтик синтаксис деб ҳам юритадики, бу ушбу китобга ёзилган сўзбошида академик

В.В.Виноградов томонидан таъкидлаб ўтилади [12,5].

Демак, А.И. Ефимов қарашлари бўйича, олий синтаксис, поэтик синтаксис терминлари айтилиши билан бир тушунчани ифода қилади.

Поэтик синтаксис луғатларда берилмаган бўлса-да, шу доирага кирувчи инверсия термини бош сўзи остида жумлани ташкил этувчи сўз ва сўз бирикмалари, гап бўлаклари одатдаги тартибининг бузилиши тарзида изоҳланиб, стилистик фигуралар доирасига киритилади [8,176-21-117-22-98].

Рус поэтикасида инверсиянинг луғавий маъноси бир хил – жойни ўзгартириш, бошқа жойга кўчириш, деб кўрсатилгани ҳолда икки тури ажратилади: ритмик инверсия ва синтактик инверсия. Метрик шеърятда урғули бўғиннинг акцентологик жиҳатдан туроқ (рукн) билан мос келмаслиги

натижасида вужудга келган ритм инверсион ритм сифатида талқин этилса, синтактик инверсия сўзнинг гап ёки фразада грамматика қоидаларида белгиланганидан бошқача тартибда жойлаштирилиши тарзида белгиланади. [15,118-122].

Ўзбек поэтикасида инверсия бундай турларга ажратилмайди. У бир термин остида, мазмунан рус поэтикасидаги синтактик инверсия изоҳига мос ҳолда норматив синтаксисдан фарқланувчи гап қурилиши эканлиги таъкидланиб, “стилистик усул”, вазифаси “бадий нутққа кўтаринкилик, таъсирчанлик, ифодалилик бағишлайди”, [29,137] “маълум сўзларни таъкидлаш ва уларнинг таъсирчанлигини ошириш” [28,67] деб белгиланади. Инверсия “синтактик усул, стилистик фигура... ўшашлик асосида синтактик инверсия билан бир қаторда баъзан композицион инверсия ҳақида ҳам гапириладики, бунда сюжетда воқеаларнинг юз бериш тартибига мос бўлмаган тарзда жойлашиши (яъни даврий жиҳатдан аввал юз берган воқеанинг кейин тасвирланиши) назарда тутилади” [23,117-118].

Бу изоҳда синтактик усул, стилистик фигура тушунчалари кўрсатилади. Сюжет воқеалари хроникал жиҳатдан терс тасвирланишини ифодалаш учун инверсия сўзининг луғавий маъносидан фойдаланиши мумкин, бироқ бу сўзга композиция сўзини атрибутив бирикишида қўллаб, терминологик ифодалаш турли мураккабликларни келтириб чиқаради. “Сюжет “Адабиётшунослик луғати” да кенг ва етарли даражада талқин қилинганки, бундай мураккаб қўш сўзли терминларга эҳтиёж қолмайди” [23,287-291].

Кўринадик, келтирилган манбаларда “Адабиётшунослик луғати” истисно этилганда, инверсия ритмга боғланмайди. Аслида инверсиянинг поэзиядаги бош вазифаси ритмни шакллантиришдир. Ритм эволюцияси поэтик синтаксиснинг такомиллашиб боришидир, шеърдаги кўтаринкилик ҳам, психологик таъсирчанлик ва ифодалилик ҳам ритм, шу ритм учун хизмат қилувчи инверсия туфайли юзага чиқади.

Шеърят тилининг синтактик қурилиши шеър синтаксиси, поэтик синтаксис деб юритилади. Лекин “такрор (анафора, эпифора каби барча кўринишлари билан бирга), инверсия, риторик савол, риторик

мурожаат, риторик ундов, антитеза, градация, кўп боғловчилилик, боғловчисизлик, перифраза, литота, муболага, параллелизм, эллипсис ва ҳ.к. интонацион-синтактик нутқ қурилиши усуллари...” ҳам “поэтик синтаксис, риторик фигуралар деб” [29,297-298] юритилиши кўрсатиладики, саналган фигуралар фақат поэзия тилига эмас, проза тилига ҳам хосдир. Фақат инверсия ритм талаби билан поэзияда устувор бўлиб, прозанинг гап қурилишида етакчи усул эмас. Шундан келиб чиқиб, синтаксис гап қурилиши ҳақидаги таълимот экан, поэтик синтаксис тушунчаси доирасига гапнинг норматив қурилишига зид бўлган ёки ундан фарқланувчи шеърини гап конструкцияларини киритиш лозим. Юқорида саналган фигуралар стилистик фигуралар номи билан юритилиши мақсадга мувофиқдир. Инверсия эса поэтик синтаксис доирасига киради.

Поэзияда жумла қурилиши прозадаги жумла қурилишидан фарқланиши, кенг маънода, жумладаги сўзлар ва гап бўлаклари ўрнининг алмашинувида кўринадик. Бундай ўрин алмашинувлар стандарт тарзидаги грамматик қоидаларга мос бўлмайди ва у инверсия терминида ифодаланади. Инверсиянинг икки тури фарқланади: содда ва мураккаб. Гап бўлаклари ўрнининг алмашинуви содда инверсиядир.

– Мени эзмайдиган дақиқа қайда,  
Кесак борми мени кесатмайдиган – [14,53].

мисралардаги “кесак борми мени кесатмайдиган” инверсияси содда инверсиядир.

Муруват нелигин билмас меҳмоним,  
Кўзи оч, еб тўймас, беқўним гадой.  
Пора бўлибдими бир бурда ноним,  
Пора бўлибдими бир пиёла чой. [19,151].

Тўртликнинг иккинчи мисраси “меҳмоним” сўзига боғланувчи уюшган аниқловчилардан иборатдир. Учинчи ва тўртинчи мисралар бошидаги “пора бўлибдими” бирикмалари “бир бурда ноним” ва “бир пиёла чой” га боғланиб, “пора эмас” маъноларини берувчи кесимларидир. Мисраларда аниқловчи-аниқланмиш, эга-кесимлар норматив тартибга нисбатан терс ҳолда ўринлашган. Аниқловчи уюшган ҳолда бўлишига қарамасдан, бир бутун, яъни

## ТИЛШУНОСЛИК

орасига бошқа сўзлар тушмаган инверсия сифатида содда типга киради.

Мураккаб таркибдан иборат гап бўлақларини ташкил этувчи сўзлар насрий нутқда фақат бир бутун ҳолда қўлланади, яхлитлик бузилмайди. Бироқ поэзияда бу қонуниятдан ҳам четга чиқилади.

Эмас васлинг тилаб учқон кўзум атрофида кирпик,

Ким ул дарёий қушларга қамишдин ошёндр бу [1,465].

Манъ этиб, эй муҳталиб, ҳардам бошимга келмагил,

Бўлса найлай, маст бўлмай, масканим майхонада [17,3].

Байтлардаги кесим сифатида бир бутунликни ташкил этувчи “кирпик эмас”, “майхонада бўлса” гап бўлақлари прозада доимо ёнма-ён, ажралмаган ҳолда қўлланади, ўрин бўйича кўчиш зарурати туғилганда ҳам биргалиқда, ажралмасдан кўчади. Ҳазал мисраларида эса ритм талабига мувофиқ бу яхлитликнинг бир унсури мисра бошида, иккинчиси мисра охирида келган. Бу мураккаб инверсиядир.

Маълумки, тилда турғун бирикма, ажратилмас бўлак, фразеологик бирикма каби номлар билан юритилувчи иборалар бўлиб, улар маъно англатиш бўйича сўзга тенг бўладилар, сўз сингари нутқда тайёр ҳолда қўлланилади, гапда бир гап бўлаги вазифасида келади. Бу ибораларни ташкил этувчи сўзлар одатда бир бутунлик ичидагина яшайди, уларнинг ўрни прозада ҳеч қачон бошқа ўринга олинмайди. Лекин поэзияда ибора таркибидаги сўз ўрни, ритм талаби билан, турғун бирикма таркибидан чиқмаган ҳолда ҳам ўзгартирилиши мумкин.

Ожиз қолган бечоралар айланиб боши,

Сиздан дори сўрар экан энди ўйласам [20,21].

Майли, кетай дўзах сари ҳеч тортмасдан тап,

Мангу азоб чекмоққа ҳам етади кучим [20,21,13].

“Боши айланди”, “тап тортмасдан” инверсияси оддий бўлиб, бошқа шу турдаги поэтик тартиб ўзгаришларидан фарқ қилмайди. Шунингдек, ибора сўзлари ўз ўрнидан – барқарорлашган таркибдан чиқариладики, бу ҳодиса оғзаки нутқдаги баъзи четга чиқишлар ҳисобга олинмаганда, фақат поэзияда мумкин бўлади.

Ҳар нафасда ёниқ кўксимда

Уриб турар сенинг юрагинг [11,44].

Қачондир ургандим унга бошларим,  
Пойдевор бўлибди чўтир тошларим [14,48].

Келтирилган мисраларда “юраги уриб турмоқ”, “бош урмоқ” турғун бирикмаларидаги яхлитлик улар орасига бошқа сўзлар кириб қолиши туфайли ўзгаришга учраган. Демак, поэзияда ритм талаби билан барқарорлашган турғун бирикмалар таркибининг яхлитлиги ҳам бузилиши мумкин.

Турғун иборалар сўзларининг тартиб ўзгаришлари арузда бармоқдагига қараганда кенг имкониятларга эга.

Хиром айларда сўзларда чун қадду лабни кўрдим,

Қарорим олди қадду, айлади ақлимни ҳайрон лаб.

Жаҳолат бир давосиз дард эрур жоҳилға, билгилким,

Қулоқ солмас, иложи дардиға гар очса Луқмон лаб. [18,51].

Байтларда келган турғун бирикмаларни ташкил этувчи сўзлар орасига бошқа сўзлар тушиб қолган: “ҳайрон айлади”, инверсияси – “айлади ҳайрон”, бу икки сўз орасида “ақлимни” сўзи жойлашган; “лаб очса” ибораси сўзлари орасида эса Луқмон сўзи бор. Бундай кўринишлар ҳам мураккаб инверсия доирасига киради.

Кўринадики, ритм талаби билан ажратилмас бўлақлар таркибидаги сўзлар ҳам ўзи мансуб бўлган таркибдан чиқади.

Янги давр шеъриятида мисраларни ташкил этувчи сўзлар ўрнини тартиб бўйича алмаштириш аруздагидек турфа кўринишларга эга эмас. А.Навоий, Ғ.Ғуломларнинг ўн беш бўғинли мисраларидаги сўзлар ўрни, прозадаги тартибдан келиб чиқиб, рақамлар орқали кўрсатилганда, бу аниқроқ кўзга ташланади.

1 7 2 5 6 3 4

Эй пари, дебсен Навоий бор эмиш Мажнун киби,

4 5 1 2 3 6 7

Бир йўли ул телбани қайдин хирадманд айладинг [1,322].

3 4 5 6 1 2

Кузги олма ранг олибдир меҳнатинг шарафидин,

1 2 3 4 5

Тўлин ойдек бизникисан, маърифатинг шунчалик [25,179].

Рақамлар кетма-кетлиги гуруҳланса, куйидаги манзара намоён бўлади: Алишер Навоийнинг биринчи мисраси: 1:7:2:5:6:3:4 тарзида, 2-мисраси

4:5:1:2:3:6:7 тарзидаги кетма-кетликда шаклланган; F.Ғулумнинг 1-мисраси

3:4:5:6:1:2 тарзида, 2-мисраси 1:2:3:4:5 тарзидаги тартибига эга.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, биринчи иккилик иккинчи мисрасининг синтактик жиҳатдан шаклланиши “қайданам ул телбани бир йўли хирадманд айладинг” тарзида бўлиши ҳам мумкин.

Кўринадик, инверсия арузда кўпроқ ранг-баранг гуруҳланишларга эга. Бу янги давр арузида ҳам кузатилади.

Аруз мисраларидаги сўзлар тартибининг бундай хилма-хилликда ўрин алмашиши кўп омилларга боғлиқ. Аруздаги мисраларнинг узун бўлиши, мисралар ритмик бўлакларга ажратилганда, маъно, оҳанг асосга олиниши ва шу туфайли сурати сўз шаклида, лекин маъно англамайди ритм бирлиги – рукннинг таъсири, ҳар бир байтнинг бошқа байтлардан ажраган ҳолда ҳам, ўзи мустақил равишда нисбий тугалланган фикр узатиш хусусиятига эга эканлиги, байтни ташкил этувчи барча унурларнинг бир ритмик майдонда мавжудлиги каби омиллар мисралардаги сўзлар тартибида ана шу хилма-хилликларни юзага чиқаради.

Ритм яратишнинг навбатдаги синтактик усули кўчув бўлиб, унинг икки турдаги кўриниши мавжуд. Бири мисралараро бўлиб, бунга мувофиқ бир бирикма таркибидаги унурлардан бири навбатдаги мисрага ўтади.

Ҳажр аро, эй Ҳизри фарруҳпай, қўлум тутким, эрур

Пўя урмоқтин бу водий ичра бағрим толғудек [3,270]

Байтдаги “толғудек эрур” таркибли кесимнинг кўмакчи қисми биринчи мисра охирида, етакчи қисми эса иккинчи мисра охирида жойлашган.

Сизсиз келажак йўқ, сиз ахир халқнинг Минг йилни кўражак қароғларисиз.

Ҳусннинг умри оз, аммо гўзаллик – Илму маърифатда топади камол.

Ёз бўйи уч-тўрт гал ер этагидан:

“Ҳорманглар-о”, – қичқариб ўтиб кетганман [24,94,95,63].

Келтирилган иккиликларнинг биринчисида аниқловчили бирикманинг

аниқланмиши, иккинчисида эга кесимнинг кесими, учинчисида ҳолли бирикманинг ҳолланмиши навбатдаги мисрага кўчирилган.

Кўчувнинг бошқа бир турида кўчув унсури аффиксал морфемалар бўлиб, буларнинг ўрин алмашиши сўзлар аро бўлади. Бундай кўчув одатда, арузга хос бўлиб, бармоқ вазнида деярли учрамайди камёб ҳодисадир.

Куймагимга барқи офат қилмадингму оҳни,

Ўлмагимга ашкни сели балому қилмадинг.

Зулм тигидин танимни қилмадингму банд-банд,

Фурқатимдин банд-бандимни жудому қилмадинг [2,322].

Мисралардаги “бало” ва “жудо” сўзларига қўшилган -му сўроқ юкламаси адабий норма бўйича “қилмадинг” феълига тегишли бўлиб, прозада шу тарзда ёзилади.

Ритм талаби билан синтактик вазифа бажарувчи келишик ва эгалик кўшимчаларининг турли фонетик вариантларига мурожаат қилинади. Масалан, жўналиш келишигининг – га, – ка, – қа, – ға, – а каби фонетик вариантларининг қайси бири ритмик мувозанат учун кўпроқ мос бўлса, ўша вариант қўлланади.

Кўнглума ҳажрингда жаннат гулшани зиндон эрур,

Кўзума сенсиз гулистон боғи ҳор афшон эрур [2,172].

Ритмопозтик функция бажаришда гап қурилиши билан боғлиқ такрор турларидан яна бири акромонаграмма бўлиб, у А.Квятковский луғатида “мисра охирининг навбатдаги мисра бошида такрорлаши” деб изоҳланади ва изоҳ охирида “бу лексик-композицион усулнинг анадиплосис” атамаси борлиги ҳам кўрсатилади. Совет поэтикасида баъзан “стык” – бу ўринда тортиб олиш маъносида (О.Брик атамаси), подхват – бу ўринда тутатиш маъносида – (Г.Шенгели атамаси) деб номлангани таъкидланади; анадиплосис термини изоҳланмайди, у акромонаграмма терминига ҳавола этилади. [15,13-14,23].

Анадиплосис О.С.Ахманова луғатида анадиплосис (бир товуш ўзгариши билан) эпаналепсис терминига ҳавола этилади. [8,43].

Анадиплосис Н.Хотамов ва Б.Саримсоқовлар луғатида изоҳланади ва у

## ТИЛШУНОСЛИК

шарқ поэтик терминологиясида радд-ул-аруз, ил-ал-ибтидо деб аталиши кўрсатилади. [29,30].

Икки ҳилолини кўруб, қонмаса меҳрингиз агар,

Сафҳаи орази уза нуқтаи холини кўринг.

Нуқтаи холини кўруб, сабр эта олмас эрсангиз,

Ҳусну жамоли боғида қадди ниҳолини кўринг [18,60].

Ё.Исҳоқов томонидан қайтариш саънатининг ўн икки тури санаб ўтилади [13,100-103]. Бу атамаларнинг бирортаси икки элементдан тузилмаган. “Радд ул-садр ил-ал-ажуз ва радд ул-ҳашв ил-ал-абтидо”, “радд ус-садр ил-ал-ҳашв радд ул-ҳашв ил-ал-ибтидо” каби атамалар эса олиб қолиш бўйича ҳам, ёзиш ва талаффуз бўйича ҳам қулай атамалар эмас. Шунинг учун “раад-ул-аруз ил-ал-ибтидо” термини ўрнида анадиплосис атамасини қўллаш кўп жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.

Ритм яратишда энг фаол қўлланадиган стилистик фигуралардан бири полисиндетон, яъни кўп боғловчиликдир. Полисиндетоннинг материали боғловчи вазифасида келадиган ёрдамчи элементлар – боғловчилар, юкламалар, нисбий сўзлардир.

Ўзбек тилида полисиндетив ҳодисанинг икки хил кўриниши мавжуд: синкретик полисиндет, аналитик полисиндет. Буларнинг биринчисида боғловчи элемент боғланувчи элементнинг таркибида бўлади.

Дема, зоҳидки, тақвоға не монӣдурки, бордурлар

Шабобу бодаву ишқу жунуним сарбасар монӣ [1,259].

Арузу, бармоқу, роману турли пьесалар бирла,

Бўлиб чор қирра ҳикмат гавҳарин қилдинг рақам, Собир [26,57].

Норматив гап қурилишига кўра охириги боғловчининг (“аруз, бармоқ, роману пьесалар бирла” типда) бўлиши қоидага мувофиқдир. Лекин бу ўринда кўп боғловчилик поэтик вазифа бажариш учун хизмат қилган, мисрадаги ритмик тўлиқликни таъмин этган.

Аналитик полисиндет ўзининг мустақил структурал шаклига эга бўлади.

Поэзияда полисиндет типда қўлланадиган боғловчиларнинг ўрни

горизонтал йўналиш бўйлаб анафорик, инфорик, эпифорик жойлашувларда бўлади. Вертикал йўналиш бўйлаб эса мисралар аро ва мисра оша бўлади.

Юлдуз билмас, ушбу тун,

Ё сўнар, ё сўнмайди.

Бу янги Ой мен учун

Ё тўлар, ё тўлмайди. [7,6].

Мен ходимман, сен раҳбар ...

На мен-у на сен буюк [7,29].

Ритм сокинлигини таъминлаш, ўзи қатнашган мисрани йўлдош мисрага метрик жиҳатдан тенглаштириш полисиндетоннинг поэтик вазифасидир.

Боғловчиларни қўшиб қўллаш ҳам ритм учун хизмат қилади.

Қўшма боғловчиларнинг фонетик шакллари икки хилдир: тўлиқ сўз қўшиливи тарзида, сўз бўғин қўшиливи тарзида.

Боғловчилар ичида бошқа боғловчилар билан қўшилиб, бир сўз шаклида ритмик вазифа бажаришда “ва” фаол сўздир. Бу сўз “лекин” га ҳам қўшилади – валекин, “агар” – нинг бўғинларига ҳам қўшилади – вагар, “ё” га ҳам қўшилади – ваё. Шу шакллар ҳам шеъриятда кенг қўлланади. Ҳар бир қўллашнинг ритмик функцияси бўлганидек, албатта, семантик вазифаси ҳам бўлади – ижодкор ҳар қандай вариантни шунчаки қўлламайди.

Олтин гарчи ниҳон заминда вале,

Ҳамма гўшадан ҳам тилло қидирманг [27,33].

Иккилик мисраларида бир- бирига зид фикрлар ифодаланган: олтин ер остида яширин бўлса ҳам, ҳамма ердан олтин қидирманг. Бу жумлалар зидлов боғловчиси орқали боғланади, бунда зидлов боғловчисининг ўзи етарли. “Ва” боғловчиси эса ортиқчадек туюлади. Бироқ бу боғловчининг ҳам вазифаси бор. Бу ўринда у дастлаб пайдо бўладиган таассуротга, яъни “шундай экан, уни ер остидан топа бериш мумкин (топса бўлади)”, деган мазмунига ишорат этади, “ле” (лекин) эса (ҳамма жойда эмас) деган маълумот билан кўзда тутилган асосий мақсадни мантиқан юзага чиқаради. Бу жумлани прозада куйидагича шакллантириш мумкин: “олтин ер остида яшириндир ва ... уни ҳар ердан қидирманг”. Шу таркибдаги кўп нуқта ифодаланадиган зид мазмун учун хизмат қилади, “лекин” зидловчи боғловчисининг ўрнини босиш



вазифасини бажаради. “Вале” шакли ҳам, “ва лекин” шакли ҳам, шунингдек, “вагар” шакли ҳам, албатта, ритмга боғланади.

Ҳали сукут сақлар эди ва лекин тақдир,

Ўрни ҳам бўш истиқболнинг қароргоҳида [20,50].

Вагар ҳар тийраликка бир ёруғлуқни инонмассен,

Йиғи кўр чархдин, ҳар шом доғи субҳидам кулгу [2,441].

АНАТИЛ да “ва” боғловчисининг “эй”, “ҳой” ундовлари билан бирикиб, яхлит фонетик бутунлик ҳосил қилиши ҳам кўрсатилган: “В – эй - ва эй, ва хой:

Эй кўнгул, ҳижрон кунидур, тортиб афғон йиғлағил

В-эй кўз айрулғунгдур ул гулчеҳрадин, қон йиғлағил...”[5,385].

Луғатда “эй” ундови билан қўшилиб, бир бутунлик сифатида рукн таркибига кирадиган яна бир элемент кўрсатилади. Бу ҳодиса “ва” ёрдамчи сўзи билан боғланмаса ҳам, шаклан ўхшаш бўлганлиги туфайли ритмнинг ёрдамчи сўз ва ундов қўшилиши билан боғлиқ ўзгаришлари кўрсатилаётган системанинг шу ўрнида бериш мақсадга мувофиқдир.

“КЕЙ / К- ЭЙ – “ки эй” нинг (вазн талабига кўра) қисқарган шакли:

Кўруб тўртунчи манзарни чу холи,  
Дебон, кей меҳрсиз гардуни олий...” [6,105].

“ки” синкретик боғловчи бўлиб, у ўзидан олдинги сўзга қўшилади, бу ўринда эса унга ундов сўз қўшилган. Шу шаклнинг ўзида ҳам инверсияни кўриш мумкин. Қуйидаги мисраларда бунинг аксини кўраимиз:

Эйки, олам шоҳлари шоҳи сенсен...

Эйким, манга мужда бердинг ул жонондин... [9,89].

“Эйки”, “эйким” вариантлари Бобур ижодида кўплаб кузатилади. Бундай қўллаш, одатда, мурожаатни ифодалайди ва ритмик жиҳатдан ажралиб туради.

Алишер Навоий шеъриятида ҳам, прозасида ҳам “учун” кўмакчиси билан “не” сўроқ олмошининг қўшилишидан пайдо бўлган сўз қўлланади. Лекин бу қўшилишда товуш тушириш ҳам, орттириш ҳам кузатилмайди. Қўшилиш товуш алмаштириш билан ҳосил қилинган, “учун”

кўмакчисининг биринчи товуши “в” товуши билан, яъни унли ундош билан алмаштирилган. “В” бу ўринда икки элемент орасида боғловчилик вазифасини ҳам бажарган: не-в-чун.

Фалак шўхидин меҳр кўз тутма невчун

Ки, жавр анга шева, жафо анга фандур [2,140].

“Невчун” икки чўзиқ бўғин сифатида ритм компоненти бўлиб келган. Лекин бу сўз шакли фақат шеърят учун ҳосил қилинган фонетик комплекс эмаслиги Алишер Навоий прозасида ҳам шу шаклда қўлланганида билинади. “Невчунким, назм илмининг рутбаси бағоят бийик рутбадур” [4,45].

Н.Маллаевнинг “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслигида ҳам бу сўз айнан шундай шаклда берилган: “Ва буким, ул илми невчун “аруз” дедилар, мухталиф аҳвол бор” [16,613].

Бу сўз Алишер Навоий “Мукамал асарлар тўплами”нинг ўн олтинчи томида “нечун” шаклида берилган: “Ва бу ким, бу илми нечун “аруз” дедилар, мухталиф аҳвол бор.”

Шу ўринда яна бир ўхшаш ҳодисага тўхталиш зарур. Бу “навмид” сўзидир. Бу сўз луғатда ҳам “навмид” бош сўзи остида изоҳланади.

“НАВМИД – ноумид, умидсиз; маъюс:

Кўнгли чун маъшукдин навмид эди,  
Жонида андуҳ ўти жовид эди” [6,417].

“Не учун” шаклидаги аналитик тарзда ёзиладиган икки сўз “невчун” шаклида синкретик типда ёзилиши билан уч бўғинли ритмик компонент икки бўғинга туширилган. “Ноумид” сўзи ҳам “навмид” шаклида уч бўғиндан икки бўғинга туширилади. Шеърятда ритм талабига кўра “ноумид” шакли ҳам қўлланади.

Ўртар эрди ҳажри навмид эрканимда, войким,

Шавқ ўти кул қилгудектур бўлғали пайдо умид[2,104].

Ҳар қандай ҳолда ҳам “невчун” ва “навмид” шаклидаги сўзлар, яъни ҳозирги тил қонуниятлари нуқтаи назаридан қараганда, сунъий, ритм учун қўлланади, “не учун”, “нечун”, “ноумид” шаклидаги сўзлардан катта фарқ қилади ва мана шу фонетик фарқ билан ритм яратиш учун хизмат қилади. “Не учун”, “ноумид // но умид” шаклларида “не” ва “но” элементлари билан

## ТИЛШУНОСЛИК

улар кўшиладиган сўзлар орасида қисқа пауза бўлади, “невчун”, “навмид” шакллари эса синкретик ҳолда бир бутундан иборат ритм компоненти бўлиб келади. Ёрдамчи сўз ўзидан олдинги сўзга кўшилиб ҳам келади. Бунда бир бўгин тушади.

Навоийга ўхшаш-чун

Патдан қалам йўндирдим [7,116].

Умуман олганда, ёрдамчилар ичида товуш таркиби жиҳатдан ўзгарувчанлиги фаол бўлганлари қуйидагилар: учун, каби, узра, билан, сари; ич, ора, ёқа; боғловчилардан: лекин, чунки, агар, балки, гоҳ; юктамалардан нисбатан эътиборни тортадигани -ку, -ю ўрнида ву қўлланишидир:

Баҳор бўлдию гул майли қилмади кўнглум,

Очилди ғунчаву лекин очилмади кўнглум[1,361].

“Ғунчаву”, “ғунчаку”, “гулгунаву”, “гулгуна-ю” сўзларидаги юктамалар ичида -ву ҳам -ку, ҳам -ю ўрнида қўлланган.

“Балки” боғловчи бўлиб келганда, унинг бир бўгини тушиши мумкин.

Муддаийлар буйла ҳамроз ўлсалар ёр оллида,

Ўзга тутмоқ фарздур ўлмакни, бал хижронни ҳам[2,361].

Лекин модал маънода қўлланганда, товуш – бўгин тушириш мумкин эмас. Аслий модал сўзлар таркибидан, ритм билан боғлиқ ҳолда, бўгин тушириш мумкин.

Жонға еттим, муҳталиб асҳобидин, ул дилрабо

Ўйлаким кўнглумни олди, кош олса жонни ҳам[2,361].

Байтнинг иккинчи мисрасида “кошки” модал сўзи бир бўгин қисқарган – бўгин туширилган ҳолда қўлланган. Бу ўзгариш, албатта, ритмик талаб билан боғлиқдир.

Лекин ҳозирги шеъриятда модал сўзларнинг ҳам, айрим олинган боғловчиларнинг ҳам бир бўгинини тушириш анъанаси йўқ, “кошки” шу ҳолда, бутун фонетик шаклда қўлланади, “балки” боғловчи сифатида ҳам, модал сўз сифатида ҳам бўгин қисқартиришсиз қўлланади.

Хуллас, поэтик синтаксис норматив синтаксиснинг зидди бўлиб, унга мувофиқ жумла қурилишлари норматив синтаксис қоидаларидан фарқланади, поэтик нормаларга мувофиқ бўлади. Инверсия жумланинг поэтик талаблар билан боғлиқ ҳолда поэтик нормалар асосидаги қурилишидир. Унинг шеърий ритм билан боғлиқ ҳолда гап бўлаклари ўрнининг алмашинувига асосланган содда, бир мураккаб гап бўлаги таркибидаги ва турғун бирикмалар таркибидаги сўзларнинг бир бутун яхлитликдан чиқариладиган тарздаги мураккаб кўринишлари бор. Шунингдек, аффиксал морфемалар ўрнининг кўчирилиши – ўзи мансуб бўлган сўздан бошқа сўзга кўшилиши ҳам ритмик талабга кўра кўчади ва ритм учун хизмат қилади. Ёрдамчи сўзларнинг қисқартирилиши ва кўшилиши шеър ритмини таъмин этади.

## Адабиётлар:

1. Алишер Навоий . Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Биринчи том. – Т.: Фан, 1987.
2. Алишер Навоий . Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Иккинчи том. – Т.: Фан, 1987.
3. Алишер Навоий . Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Учунчи том. – Т.: Фан, 1987.
4. Алишер Навоий . Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн олтинчи том. – Т.: Фан, 1987.
5. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. I том.Т.:
6. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. II том.Т.:
7. Анвар Обиджон. Сайланма. – Т.: Akademnashr, 2017.
8. Ахманова О.С.Словарь лингвистическая терминов – М:СЭ, 1969.
9. Бобур. Девон. – Т.: Фан, 1994.
10. Виноградов В.В. “Стилистика русского языка” проф. А. И. Ефимова. “В кн. “ Ефимов А.И. Стилистика русского языка. – М.: “ Просвещение ”, 1969”
11. Воҳидов Э. Замин сайёраси. – Т.: Янги аср авлоди, 2014.
12. Ефимов А. И. Стилистика русского языка. – М.: Просвещение, 1969.
13. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: Zarqalam, 2006.
14. Иқбол Мирзо . Мени эслайсанми. – Т.: Ғафур Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001.
15. Квятковский А. Поэтический словарь. – М.: СЭ ; 1966.
16. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўрта ва олий мактаб, 1962.
17. Муқимий. Лолазор айлаб келинг. – Т.: Ғафур Ғуллом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016.
18. Огаҳий. Танланган асарлар. – Т.: Ўздавнашр, 1958.

19. Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. Иккинчи жилд. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001.
20. Орипов А. Жаннатга йўл. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа уйи, 2018.
21. Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. Справочник лингвистических терминов. – М.: Просвещение, 1972.
22. Тимофеев Л.И., Тураев С. В. Словарь литературоведческих терминов. – М.: Просвещение, 1974.
23. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Akademnashr, 2010.
24. Ғафур Ғулом . Асарлар. Ўн томлик. Иккинчи том. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.
25. Ғафур Ғулом . Асарлар. Ўн томлик. Иккинчи том. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.
26. Ҳабибий. Девон. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.
27. Ҳакимов О. Муҳаббатни кўзлардин изланг. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996.
28. Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1967.
29. Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1983.

*(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори).*